Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 25 ноябрь, № 228 (6158) Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ОСТОНА, 24 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 24 ноябрь куни расмий ташриф билан Остона шаҳрига келди.

Шу куннинг ўзида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим масалалари, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз олий даражадаги ушбу мулоқотга Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишнинг муҳим омили сифатида қарамоқда.

Ташрифнинг асосий воқеалари 25 ноябрга мўлжалланган. Президентлар тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокида музокаралар ўтказади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожи нафақат узоқ истиқболга мўлжалланган, балки бутун Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва фаровонлигига хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган. 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома унинг асосини ташкил этади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА

ЕТУКЛИК МЕЗОНИ

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида фуқароларнинг Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадлари мужассам.

Шунга кўра, аҳоли кенг қатлами, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларнинг сифат ва самарадорлигини янада оширди. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида бугунги кунда юртимиздаги мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб барча ўқув масканларида Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган тушунча ва тамойиллар чуқур ўрганилмоқда.

Хусусан, мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари" ўқув-машғулотлари йўлга қўйилган бўлиб, бунда кичкинтойларнинг ёши, дунёқараши, психофизик хусусиятлари алоҳида инобатга олинган. Умумтаълим мактабларининг 1 — 4-синфларида эса болалар "Конституция алифбоси", 5 — 7-синфларда "Конституция оламига саёҳат" дарслари, 8-синфда "Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари" ҳамда 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари" фанлари орқали Асосий Қонунимиз ҳақида билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда, унинг ҳаётбахш аҳамиятини теран англаб етмоқда. Ўқув машғулотлари замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилаётгани, илғор ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланилаётгани ҳуқуқий таълим-тарбиянинг такомиллашувида муҳим омил бўлаётир. Бундан ташқари, Конституциямиз эзгу орзу-умидларимиз рўёби учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши ўқувчилар онги ва қалбига ҳужжатли фильмлар, тарихий манбалар, адабиётлар ёрдамида сингдирилмоқда.

Шу ўринда умумтаълим мактабларида Конституциямизни ўрганишни ташкил этиш сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганини эътироф этиш жоиздир. Айни мақсадда ўтган йиллар давомида Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази мутахассислари йигирмадан ортиқ номда ўқув-услубий қўлланмалар яратишди.

(Давоми 4-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури:

Истиқболли лойиҳалар, янги имкониятлар

Мамлакатимизда саноат тармоқларининг жадал ривожи импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари кўпайиши ва юртимиз экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Пировардида илгари, асосан, валюта ҳисобига четдан келтирилган товарларнинг аксариятини эндиликда ўзимизда тайёрлаш ўзлаштирилиб, нарх-навони мақбуллаштириш ҳамда сарф-харажатларни камайтиришга эришилаётир. Бунда юқори сифат ва рақобатбардошлик муваффақиятларнинг мустаҳкам асоси бўлмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Қибрайлик ёш тадбиркор Бобуржон Зокиров бошқараётган "Gold-note" масъулияти чекланган жамиятида 20 турдан зиёд ўқув-услубий анжомлар ишлаб чиқарилади. Улар орасида маҳаллий хом ашё асосида тайёрланаётган глобусларга, айниқса, қизиқиш катта. Бундан руҳланган жамоа такомиллаштирилган янги моделлар яратиш устида ишламоқда. Асосий мақсад — маҳсулотнинг бир қисмини ташқи бозорларга ҳам йўналтириш. Тадбиркорнинг таъкидлашича, таълим муассасаларидаги дарс машғулотларида кенг фойдаланиладиган бундай глобуслар ҳозир саноқли мамлакатлардагина ишлаб чиқарилаяпти.

— Жорий йилнинг ўтган даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ҳудудий корхоналаримиз томонидан белгиланганидан анча кўп — 53,9 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди, — дейди Тошкент вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Носиров. — Бунга эришишда дастур доирасида саноат тармоқларига кенг кўламда имтиёз ва преференциялар қўлланилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Натижада илгари четдан келтирилган иссиқлик қозонлари, турли насос агрегатлари, трансформаторлар, совуқ ва иссиқ сув учун полипропилен фитинглар, кабеллар, пластик панеллар, дори-дармон воситалари, кир ювиш кукунлари, болалар ўйинчоқлари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига доир истеъмол моллари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Имтиёз ва имкониятлар туфайли ўз фаолиятини муттасил кенгайтириб бораётган тадбиркорлик тузилмаларидан бири Олмалиқ шаҳридаги "Зартола текстиль" масъулияти чекланган жамиятидир. Айни пайтда бу ерда полипропилендан калава ип тайёрланмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси ва жамоатчилик назорати

СЕМИНАР

Самарқандда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ф. Эберт номидаги фондининг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари" мавзуида халқаро семинар ўтказилди. Унда вазирлик ва идоралар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, иш берувчилар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари, хорижий мамлакатлар касаба уюшма марказлари масъуллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида қайд этилди. Мамлакатимизда меҳнат соҳасида қабул қилинган бир қатор қонунлар фуқаролар, шу жумладан, ёшларга янги иш ўринлари яратиш, аёлларга бола парвариши учун қўшимча таътиллар ҳамда тўловлар бериш борасидаги имтиёз ва кафолатларни ҳаётга самарали татбиқ этишда дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Пойтахтимизда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятларидаги бўлим ва бўлинмалари бош мутахассислари учун фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини йўналтириш ҳамда уларга услубий-амалий кўмаклашишни янада кучайтириш чора-тадбирларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Билим, малака, фаоллик

маҳаллалар саъй-ҳаракатлари самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади

Тадбирда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан маҳаллаларда миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, "мустаҳкам оила", "обод турмуш", "соғлом бола" каби ғояларни амалга ошириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш ҳамда тегишли қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилаётганлиги таъкидланди.

Буни жорий йилнинг ўтган даврида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан 5 миллиондан ортиқ оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилгани мисолида кўриш мумкин. Энг муҳими, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида 43 мингга яқин оилаларда турли низолар бартараф этилди, хусусан, бевосита фуқаролар йиғинлари ҳаракати билан 20 мингга яқин оила яраштди.

"Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш авлоднинг касб эгаллаши, болалар ва ўсмирларни турли тўгаракларга, фойдали машғулотларга жалб қилиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги "Ота-оналар университетлари" фаолиятини янада такомиллаштиришда ҳам фонд бош мутахассислари ва маҳалла маслаҳатчилари ҳиссаси салмоқли бўлаяпти.

Семинар-тренинг давомида тадбир иштирокчиларига иш фаолиятини ҳар томонлама тизимли йўлга қўйиш, амалий-услубий кўмаклашиш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Шунингдек, жорий йилги "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови республика босқичидан тайёрланган видеолавҳа намойиш қилинди.

Тадбир доирасида иштирокчилар Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласи фуқаролар йиғини фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Минтақавий семинар-тренинглар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВ — 2014

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари ўз Сайловолди платформалари иқтисодий йўналишининг асосий мақсад ва вазифалари хусусида фикр юритишади.

2-саҳифага қаранг.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Урганч шаҳрида лойиҳавий қиймати 2 миллион АҚШ долларилик "Биллур интеграл сервис" қўшма корхонаси иш бошлади.

Сармоя киритилди

Айни пайтда бу ерда кунига 60 тонна кир ювиш кукуни тайёрлаш имконияти юзага келди. Эътиборлиси, ушбу завод фаолиятини йўлга қўйиш учун хориждан 1 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилди. Бўш турган бино мазкур тадбиркорлик субъектига сармоя киритиш шарти билан "ноль" қийматда берилгани эса айни муддао бўлди.

— Маҳсулотимизнинг катта қисмини ташқи бозорда сотишни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Зокир Зокиров. — Шунингдек, атирсовун, шампунь, тиш ювиш пастаси каби гигиена воситалари турини кўпайтириш йўлида ҳам изланишлар олиб борилаяпти.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Корхонада икки юз турдан зиёд маҳсулот тайёрланади

Ховос туманидаги "Гранд голден бокс" масъулияти чекланган жамиятида картон қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани маҳаллий тадбиркорларга катта қулайлик яратди.

Ҳозирги пайтда турли озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналар мазкур жамиятнинг асосий харидорлари ҳисобланади. Уларга ойига 30 минг донадан зиёд турли ҳажмдаги қутилар етказиб берилмоқда.

Қутиларга маҳсулот ёрлиғи ҳамда бошқа маълумотлар ифода этилган ёзув ва тасвирларни тушириш жамият томонидан замонавий матбаа технологиялари асосида амалга оширилмоқда.

— Айни пайтда ёзув қоғозлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз, — дейди жамият раҳбари Сарвар Холназаров. — Умуман, маҳсулотларимиз тури 200 тадан ошди, хусусан, оддий қоғоздан тортиб, барча матбаа маҳсулотларини тайёрлаяпмиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт кўлами кенгайди

Жорий йилда Андижон шаҳридаги "Инвесттекс" қўшма корхонасига ишга қабул қилинган 20 нафар коллеж битирувчиси касбий кўникма ҳосил қилиб, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришдилар.

Бунинг учун мазкур тадбиркорлик субъектида хорижнинг энг замонавий дастгоҳлари эвазига модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Натижада синтетик мато — полиэстердан кийимлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Сўнгги йилларда экспорт жуғрофиямиз ҳам кенгаймоқда, — дейди қўшма корхона директори Носиржон Атабаев. — Ҳозир нафақат қўшни давлатлар, балки Болтиқбўйи мамлакатларига ҳам маҳсулотларимизни юборяпмиз.

Саидаҳмад ШУКУРОВ.

Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида бутунлай янгича мазмун, янгича кўриниш касб этди. Хусусан, сўнгги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ҳар йили 8 фоиздан ортиқни ташкил қилаётгани нуфузли халқаро молия ташкилотлари, таниқли экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилаётир. Бу жараён Ўзбекистоннинг дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлаш борасидаги жиддий қадам саналади.

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Иқтисодиётнинг бундай юқори ўсиш суръатларини сақлашда, халқимиз фаровонлигини оширишда, мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини яратиш ҳамда кўпайтиришда, айниқса, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий таянчи — ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларининг ҳиссаси салмоқлидир.

O‘zLiDeP 2014 йилдаги сайлов кампаниясига киришар экан, мамлакатимиз иқтисодиётидаги макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришни муҳим, деб ҳисоблайди. Бунинг учун Давлат бюджети мувозанатлилигини таъминлаш, иқтисодиёт ва хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини янада камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш лозим бўлади.

Статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда 1996 — 2014 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизгача, яъни етти баравар пасайтирилган. Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг улуши 55 фоиздан ошди.

Шу билан биргаликда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг аниқ-равшан, тушунарли бўлишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юксак технологиялар билан жиҳозланган, фан-техника ютуқлари асосида рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни олиб бориш керак бўлади. Бундан ташқари, партиямиз Сайловолди платформасида янада қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлашга эришиш бўйича ғоявий вазифалар белгилаб қўйилган. Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётига 120 миллиард долларидан зиёд инвестициялар жалб этилган бўлиб, уларнинг 60 миллиард долларидан кўпроғи хорижий инвесторларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу сармояларсиз иқтисодиётимизнинг бугунги ривожини тасаввур қилиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллигини таъминлаш, таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, жаҳон бозорларида унинг рақобатдошлигини оширишнинг энг муҳим ва зарур шарти сифатида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Партия реал иқтисодиёт соҳасида, биринчи навбатда, саноатда ва унинг муҳим тармоқларида хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллаши мақсадида иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий инвестицияларни жалб этишга ҳаракат қилади. Биз, шунингдек, янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, материаллар ва бутловчи қисмлар импортини солиқ ва божхона тизимида яратилган имтиёзлар асосида қўллаб-қувватлаш ҳисобига саноатда ишлаб чиқариш суръати жадал ўсишини таъминлашни бу соҳадаги энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда партия амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан инвестиция шартномасини имзолаган чет давлат инвестицияси иштирокидаги корхоналар учун солиқ қонунчилигининг ишончли ва барқарор бўлишини таъминлаш лозим. Шунингдек, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, айниқса, саноатнинг юқори технологияларга асосланган қайта ишлайдиган тармоқларига жалб этишни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги компанияларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятини енгиллаштириш, корхоналарнинг хорижлик таъсисчилари, раҳбар ва муҳандислар таркиби учун виза олиш шартларини янада соддалаштириш керак, деб ҳисоблаймиз. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини банклар томонидан кредитлашни кенгайтириш таклиф қилинмоқда.

Партиямиз иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, экспортни рағбатлантириш, унинг номенклатураси ва географик майдонини қулай молиявий-иқтисодий ва божхона шароитларини қўллаб-қувватлаш ва яратиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш орқали кенгайтириш, мамлакатимиз барча минтақаларининг ягона транспорт тизимига уланиши, ташқи транспорт йўналишларига қулай чиқишини таъминлайдиган автомобиль йўллари ва темир йўл тармоқларини қуриш, уларни реконструкция қилиш бўйича тизимли ва комплекс ишларни давом эттириш учун ҳаракат қилади. Бу йўналишда партиямиз Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш бўйича кўрилаётган амалий саъй-ҳаракатлар ҳамда “Хитой — Марказий Осиё — Европа” халқаро темир йўл транзит йўлагини яратиш, Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини шакллантириш, Шарқ ва Ғарбни боғловчи ҳамда Фарғона водийсини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи “Ангрен — Поп” темир йўли қурилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Партия иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлигини таъминлашга, хуфиёна иқтисодиётга пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олишга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш учун ҳаракат қилади. Биз, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Партиямизнинг фикрича, мулк — бу эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа барча ҳуқуқларининг манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси. Сиёсий, ижтимоий, маданий эркинликни иқтисодий эркинликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис партия ўзининг кундалик ва парламентдаги фаолиятида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги конституциявий тамойилни ҳимоя қилади ва ҳаётга изчил татбиқ этади ҳамда иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уни ишончли ҳимоя қилиш тизимини яратиш учун ҳаракат қилади.

Партия хусусий мулкнинг ривожланиши йўлидаги барча ғовларни бартараф этиш, ортиқча бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини оширишни муҳим, деб ҳисоблайди ҳамда юртимизда бизнес юритиш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш учун ҳаракат қилади. Партия давлат ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви билан боғлиқ фактларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улушини изчил ошириш борасидаги стратегик вазифа билан бевосита боғлиқ. Сайловолди платформамизда Ўзбекистоннинг етакчи ва нуфузли халқаро молия институтлари томонидан белгиланадиган рейтинг кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб қўйилган. Иқтисодиётни либераллаштириш ва ислоҳ этишда қўлга киритилган ютуқлар Жаҳон банкининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шароитлари бўйича навбатдаги “Бизнесни юритиш — 2015” йиллик маърузаси томонидан тан олинишига сабаб бўлди. Умуман олганда, кейинги икки йилда Ўзбекистон Республикасининг бизнесни юритиш имкониятлари бўйича 189 та давлат орасидаги йирик рейтингдаги ўрни 13 поғона кўтарилди. Сўнгги икки йилда “Кредитлар олиш” кўрсаткичи бўйича ўсиш 50 поғона бўлган бўлса, фақатгина 2014 йилнинг ўзида Ўзбекистонда солиқ солиш ҳолати 61 поғона яхшиланган.

Партия ушбу йўналишда истиқболда аниқ чора-тадбирларни, жумладан, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини таъминлаш, бозор инструментлари ва бошқарув механизмларини ривожлантириш, эркин рақобат муҳитини яратишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш таклифини илгари суради. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка имтиёз ва преференциялар бериш, тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молия ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, гаров айланмасига кўчар мулкни жалб этиш ҳисобидан молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу ўринда, мулк шаклидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларига, хом ашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратиш, улар бўйича бозор нархларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш лозим. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга рухсат олиш муддатлари ва харажатларини янада қисқартириш, ушбу жараёнларни соддалаштириш чораларини кўриб чиқиш зарур. Яна бир таклифимиз ривожланган ва замонавий транспорт-коммуникация ва логистика тармоқларини ташкил этиш, ташқи савдо юкларини ташишни мақбуллаштириш, янги транспорт йўналишларини синовдан ўтказиш, транспорт харажатларини қисқартириш, шунга мос равишда экспорт-импорт тартиб-таомилларини янада соддалаштириш билан боғлиқдир. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича давлат харидларини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва тақдим этилаётган хизматлар экспортини рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Партия кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун партия кооперация, давлат мулкини ва хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, хўжалик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини ҳамда давлат корхоналарининг кўчмас мулк объектларини биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотиш механизмини соддалаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни таклиф этади.

Партия кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини пасайтириш сиёсатини давом эттириш зарур, деб ҳисоблайди. Чунки бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида айланма маблағларни тўлдириш ва инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча маблағлар қолдириш имконини беради ҳамда ўз даромадларининг ҳақиқий даражасини камайтириб кўрсатадиган корхоналар сонининг қисқаришини таъминлайди.

Партия рақобатни ҳар томонлама рағбатлантириш ва ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида монополия вужудга келишига йўл қўймаслик ва улар сонини максимал даражада қисқартириш учун ҳаракат қилади. Биз қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу соҳадаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижроси устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришни мўлжаллаяпмиз.

O‘zLiDePнинг 2014 йилдаги Сайловолди платформасидаги биринчи бўлим “Партиянинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги устувор вазифалари” деб бежиз номланмаган. Агар бошқа сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан солиштирсангиз, ушбу бўлим ўзининг кенг қамровлилиги, пишиқ ва пухталиги билан ажралиб туради. “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастуридаги тўртинчи бўлим “Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши — аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишининг кафолати” деб номланади. “Адолат” СДП иқтисодиётга замонавий иннновацион ва юқори технологиялар, шу жумладан, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш таклифини илгари суради. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди дастуридаги тўртинчи бўлим “Иқтисодий соҳадаги вазифалар” деб белгиланган. Партия аъзолари унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш ва туризмни ривожлантиришга қаратилган беш-олтита таклиф билан чегараланишган холос.

Мухтасар айтганда, фақат бизнинг партиямиз мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш таклифи билан чиқмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб, фаровон турмуш кечирамиз, деган юртдошларимизни “Иқтисодиёт тараққиёти — халқ фаровонлигининг асоси!” шиори остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловда кураш олиб бораётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодларига овоз бериб, юқоридаги дастурий мақсадларимизни амалга оширишга ўз ҳиссангизни қўшишга чақирамиз.

Исмоилжон НАЗИРОВ,
Собир ҲАСАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

Мустақиллик йилларида дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни тараққиёт йўлидан дадил бораётган мамлакат сифатида тан олди. Бундан барчамизнинг қалбимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади. Зеро, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз кўлами йил сайин кенгайиб, кўпчиликнинг ҳавасу ҳайратини оширмоқда. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, янгиланиш ва улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ҳар бир шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳалла тобора чирой очмоқда.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЎСИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида иқтисодиёти бир ёқлама шакланган, асосан, хом ашё етказиб беришга мослашган қолоқ республикадан барча соҳалар тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жадал тараққий этаётган давлатга айланди. Буни халқимиз ўз турмушида кўриб-билиб турибди. Зотан, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, аҳоли жон бошига даромадлар эса 8,7 баробар кўпайди.

Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган тараққиёт стратегияси ҳаётга татбиқ этилмоқда. “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” шиори асосида мамлакатимиз иқтисодиёти тубдан ислоҳ этилди, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо диверсификация қилинди. Бунинг учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Ҳар йили юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаётгани, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори муттасил ошириб борилаётгани ҳам халқимизга муносиб турмуш шароитини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Аҳоли даромадлари муттасил ошиб бориши эвазига ҳамюртларимизнинг харид ва истеъмол қобилияти ортмоқда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми кўпаймоқда. Буни яқинда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича мамлакатларнинг янги рейтинги ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий валюта харид қобилияти паритетига асосан ҳисоблаб чиқилган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича бир неча поғона юқорилаб, дунёнинг 200 га яқин давлати орасида 66-ўринни эгаллади. Ваҳолонки, 2010 йилда Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича 72-ўринда қайд этилган эди. Энг муҳими, мазкур ижобий тенденция яқин йилларда сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида сайловолди ташвиқотига қизғин киришган сиёсий партиялар ўз сайловолди платформаларида иқтисодий соҳага алоҳида урғу қаратаётгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, “Адолат” СДП ҳам иқтисодий йўналишда бир қатор таклифларни илгари сурмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз

Ўз электоратининг манфаатлари, хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, дастурий вазифаларни белгилаган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди платформасида партия бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори эканлиги алоҳида қайд этилган. Партиямиз иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари турмуш сифати ҳамда даражасини оширишга хизмат қилиши лозимлигини белгилаб олган. Бу миллий иқтисодиётимизни янада тараққий топтириш бўйича стратегик мақсадларга мосдир. Партиямиз ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тарафдори сифатида сиёсий майдонда ўзини намоён этмоқда.

Партия ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилишини ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш каби муҳим вазифаларни илгари сурмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги — инновацион тараққиётда

Ўзининг сиёсий рақобатчиларидан фарқли равишда “Адолат” социал-демократик партияси Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва замонавий технологиялар инсонга ҳамда ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўймоқда. Буларнинг барчаси фуқароларга иш ўринларини топиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда инновацион фаолиятнинг ўзига хос ўрни бор. Мутахассисларнинг халқаро миқёсдаги таҳлилларга таянган ҳолда таъкидлашларича, мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг динамик барқарорлигини таъминлашда инновациялар ва инновацион фаолият асосий роль ўйнайди. Чунки инновацион фаолиятгина ишлаб чиқариш базасини техник ва технологик жиҳатдан тўхтовсиз янгилаш, замонавий технологияларга асосланган корхоналарни ташкил этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, жаҳон товар ва хизматлар бозорига самарали кириб бориш, умуман, иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу ўринда инновацияларни реал иқтисодиётга жалб қилиш борасида республикамизда аниқ саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлигини қайд этиш лозим. Жумладан, биргина 2013 йилда мамлакатимиз корхоналарида умумий қиймати 300 млрд. сўм маблағ инновацияларни жорий қилишга йўналтирилиб, уларнинг асосий қисми, яъни 68 фоизи корхоналарнинг хусусий маблағлари эвазига амалга оширилган. Миллий иқтисодиётимизга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳам катта қисми ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилмоқда. Бироқ бугунги кунда инновацияларни катта маблағлар эвазига хориждан олиш эмас, балки ўзимиздаги мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланиш, ихтирочилар ва олимларни керакли даражада рағбатлантириш, илмий ишланмалар ҳамда рационализаторлик таклифларини амалиётга кенг татбиқ этиш каби масалалар ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу сабабдан ҳам “Адолат” социал-демократик партияси ўрта ва узоқ муддатли истиқболда илғор инновацион ҳамда юқори технологияларни жорий қилишни инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб белгиламоқда.

Ушбу масала партиямизнинг 2009 йилдаги Сайловолди платформасида ҳам устувор вазифа сифатида қайд этилган эди. Партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўтган беш йилликдаги фаолиятида “Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол қатнашган бўлишига қарамай, мазкур қонун қабул қилинишига эриша олмаганлиги фаолиятимиздаги камчиликларимиздан бири эканлигини ҳам яхши англаймиз, албатта.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз бу борада белгиланган вазифаларни собитқадамлик билан давом эттирган ҳолда ўз саъй-ҳаракатларини янада кучайтиришни мақсад қилмоқда. Ушбу йўналишда инновация ва инновацион фаолиятни мувофиқлаштириб бориш ҳамда янада кенгайтириш мақсадида институционал тузилмаларни ташкил этиш, жумладан, нафақат Давлат бюджети, балки корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш каби вазифалар партиямиз томонидан навбатдаги беш йилликда бажарилиши зарур бўлган вазифалар сифатида белгиланаяпти.

Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги фаровонликка хизмат қилади

Маълумки, давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги ҳар бир замонавий демократик давлатнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда бутун дунёда ўзаро фойдали шартларда қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинишига кўмаклашадиган ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, “Адолат” социал-демократик партияси бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари социал демократиянинг асосий ғояларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг ташаббускорлигини рағбатлантириш, уларнинг моддий ва меҳнат имкониятларидан самарали фойдаланиш, давлатнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар ечимини топиши ва иқтисодиётнинг ривожланишига, шубҳасиз, кенг имкониятлар яратади.

Масаланинг долзарблигини яхши англаган ҳолда, партиямиз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги мақомини қонуний мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этмоқда. Шу билан бирга, биз мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, бундай ҳамкорликнинг энг самарали шаклларини қўллаш юзасидан махсус дастурни ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тизими, йўл қурилиши, илмий тадқиқот институтлари, лабораториялар, конструкторлик бюролари тузилиши давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини ташкил этиш ва мустаҳкамлашнинг энг истиқболли йўналишлари бўлиши зарур.

Биз энергия тежайдиган технологияларни жорий қилишни таклиф этамиз

“Адолат” СДП иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш тарафдори сифатида бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтиришни мақсад қилган. Партия ўтган даврда тўплаган тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар яратиш, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришда фаоллик кўрсатади.

Шу билан бирга, уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қўёш энергиясидан ҳамда қайта тикланувчи бошқа энергия манбаларидан кенг фойдаланиш масалалари партиянинг доимий диққат-эътиборида бўлади. Шу мақсадда “Адолат” СДП муқобил энергия манбалари, хусусан, қўёш энергиясидан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш, муқобил энергетикани жорий этиш ҳамда рағбатлантириш юзасидан махсус дастурни қабул қилишни таклиф этмоқда.

Шу ўринда сайловчиларда “Адолат” социал-демократик партияси беш йил аввал ҳам ушбу ғояни илгари сурган эдику?” деган савол туғилиши мумкин. Дарҳақиқат, партиямизнинг 2009 йилги Сайловолди платформасида ҳам мазкур масала алоҳида ўрин эгаллаган эди. Бироқ бу соҳада зиммамиздаги барча вазифани бажардик, деб айта олмаймиз. Шу сабабдан ушбу долзарб масалани охирига етказиш, сайловчиларга берилган ваъданинг устидан чиқиш масъулияти партияни яна бир бор мазкур мақсад сари ундади. 2013 йил 20-23 ноябрь кунлари Тошкентда Осиё тараққиёт банкининг Осиё минтақасида қўёш энергиясини ривожлантириш ташаббуслари доирасида Осиё қўёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши ўтказилгани ҳамда унинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг мазкур соҳада юксак салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятлари ҳақида маруза қилгани ҳам ушбу масаланинг нечоғли долзарб эканлигидан далолатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, партиямиз иқтисодий ислоҳотларда босқичма-босқичлик принципи тарафдори сифатида ўз олдига аниқ вазифаларни қўйиб, уларни амалга ошириш учун аниқ механизмларни таклиф этмоқда.

Аммо бошқа сиёсий партиялар иқтисодий йўналишдаги вазифаларини белгилашда, асосан, кучли ижтимоий сиёсат, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш билан чекланиб қолаётганлиги ажабланарлидир.

Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловолди платформасида хусусий мулкнинг алоҳида аҳамияти ғояси сингдирилган бўлиб, уни энг муҳим инсон қадрияти даражасига олиб чиқиб, хусусий мулк эркинликнинг энг муҳим кафолати ва фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси сифатида бир томонлама талқин қилинмоқда. Албатта, хусусий мулк инсоннинг иқтисодий эркинлиги воситаси саналади, лекин, бизнингча, хусусий мулк инсоннинг фундаментал ҳамда табиий ҳуқуқ ва эркинликларидан устун қўйилиши билан келишиб бўлмайди.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг иқтисодий йўналишда танлаган мақсадлари ҳам бир ёқлама ҳисобланади. Хусусан, партиянинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун таклиф этаётган имтиёз ва преференциялар бериш борасидаги позицияси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига фаол равишда интеграциялашув жараёнларига тўсқинлик қилиши мумкин. Зеро, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хориж инвестицияси асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар ўзаро тенг рақобат муносабатлари шароитида ишлаши керак. Бу, ўз навбатида, уларнинг фаолиятида самарадорликни оширишга рағбатлантирувчи омил бўлади. Демак, партиянинг иқтисодий сиёсат бўйича танлаган позициясини кенг кўламли ва умумдавлат аҳамиятига эга, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси кучли ижтимоий сиёсат ғояларига содиқлигини эътироф этган ҳолда, иқтисодий соҳадаги аниқ таклифлари билан ушбу соҳадаги вазифаларнинг ўзаро боғлиқлигини тўлақонли очиб бера олмаган. Хусусан, партия иқтисодиётда комплекс макроиқтисодий ва таркибий ўзгартириш ўтказиш заруратига етарли даражада эътибор бермасдан, ЯИМнинг ўсиши, ички истеъмол бозорини тўлдириш, экспорт рақобатдошлигини кучайтириш сингари омилларни аҳоли бандлигини ошириш зарурати билан боғламоқда. Партия, шунингдек, бандлик муаммоси юқори бўлган ҳудудларда саноат корхоналари ривожланишини рағбатлантириш учун махсус фондларни тузиш таклифини илгари сурмоқда. Аммо мазкур фондларнинг қай асосда ва қандай принципларга кўра фаолият олиб бориши аниқ очиб берилмаган.

Албатта, бизнинг Сайловолди платформамиз ҳам муайян камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Бироқ у бугун сайловчиларимизни ўйлантираётган қатор масалаларга муносиб ечим таклиф қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, ўз сафларида юз мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган “Адолат” социал-демократик партияси нафақат қонун устуворлигини, адолатни изчил тарғиб қилувчи, социал-демократияни мустаҳкамловчи сиёсий куч, балки иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши, демакки, аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишини кафолатловчи партия сифатида ҳам самарали фаолият юритаверади.

Қодир ДЖУРАЕВ,
«Адолат» СДП аъзоси,
Абдулла РАҲМОНОВ,
Шоҳруҳ ШОАҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” лойиҳаси доирасида “Ватан келажаги сенинг қўлингда!” ва “Мен сайловга тайёрман” шиори остида расмлар танлови бўлиб ўтди.

Тасвир ва тасаввур

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Бадиий академия мутасаддилари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи, республика ихтисослаштирилган санъат мактабларининг иқтидорли талаба-ўқувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидландики, юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, баркамол ва етук инсонлар этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Ушбу расмлар танловида талаба-ёшлар мамлакатимизда ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмунмоҳияти, фаол фуқаролик позицияси, юртимиздаги мислсиз ўзгаришлар ва барча соҳалардаги улкан ютуқларни ўз ижодий ишларида намойиш этишди.

— Бу каби танловлар ҳуқуқий билимимизни бойитиш билан бирга, ижодий маҳоратимизни оширишга ҳам имкон бермоқда, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Комила Носирова. — Шу аснода тенгқурларимизнинг тасвирий санъат асарлари билан танишдик, ижодий мулоқотда бўлдик.

Тадбир доирасида таниқли рассомлар томонидан ёшлар учун маҳорат дарслари уюштирилди.

Д. АБДУРАИМОВ.

Маҳаллийлаштириш дастури:

Истиқболли лойиҳалар, янги имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бундай синтетик толали ашёларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта, — дейди жамият раҳбари Ж. Шарипов. — Шу сабабли қисқа фурсатда 800 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, бир қисмини экспорт қилишга ҳам улгурдик. Чунки улар сифат борасида хориждан келтириладиган шу турдаги ашёлардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

Айни кунда “Зартола текстиль”да гилам тўқиш ва пардозлаш технологияси ўзлаштирилмоқда. Бу лойиҳа якунига етгач, ёшлар учун яна 20 га яқин иш ўрни очилади.

Зангиота туманидаги “Дентафил плюс” хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилганида бу ерда, нари борса, тўрт-беш турдаги дори воситалари тайёрланар эди. Бугун эса 100 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоада йигирма турдаги дори воситаларининг 110 хили ишлаб чиқарилаётир. Ҳатто уларнинг баъзилари чет эллик буюртмачиларга ҳам етказиб берилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида корхонада ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётган йирик сармоявий дастурлар, хусусан, маҳаллийлаштириш лойиҳалари ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги муваффақиятларнинг асосий омили бўлди. Ҳозир бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнларида Швейцария, Хитой ва Германиядан келтирилган энг илғор технологик линиялар имкониятидан кенг фойдаланилмоқда.

— Бултур экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи 17 турдаги янги дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик, — дейди корхона раҳбари С. Исонбоев. — Жорий йилда эса Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 20 миллион АҚШ долларилик яна иккита йирик лойиҳа рўёбга чиқарилди. Энг муҳими, янги ўзлаштирилган дори воситаларимизга GMP халқаро сифат сертификати берилди. Бу эса маҳсулотларимиз эндиликда дунёнинг исталган нуқтасига экспорт қилиниши мумкин, деганидир.

Умуман, вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан ўз имкониятларини муттасил кенгайтириб бораётган корхоналар рўйхати анча узун. Улар қаторида Юқори Чирчиқ туманидаги “Ихтиёр қурилиш файз”, Зангиота туманидаги “Hi-tech kabel”, “Мак пласт бизнес” масъулияти чекланган жамиятларини ҳам тилга олиш мумкин. Шунингдек, айни пайтда Юқори Чирчиқ туманидаги “Бест-пласт” корхонасида бўялган ва гулқоғозли пластик панеллар, Чирчиқ шаҳридаги “Elstan”, “Ober star plast” масъулияти чекланган жамиятларида электр трансформаторлари ҳамда озиқ-овқат саноати контейнерларини ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Бундан ташқари, жойлардан саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир яна 30 га яқин лойиҳа ва таклифлар дастурга қўшимча тарзда амалиётга жорий қилинмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хорижий ҳамкорлар кўпаймоқда

Юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг чет эл бозорларида рақобатбардошлигини аниқлаш, маркетинг ишларини олиб бориш, уларга экспорт амалиётида ташкилий, юридик ҳамда молиявий кўмак бериш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, унинг зиммасига тадбиркорларнинг чет эл тендер савдолари ва ярмаркаларидаги иштирокини таъминлаш, маҳсулотлари рекламасини ташкиллаштириш ҳам юклатилган.

Айтиш керакки, бу борада бизнинг филиалимиз томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида бир қанча маҳаллий корхоналарга хорижий ҳамкорлар топишида яқиндан кўмак берилиб, уларнинг чет элларда уюштирилаётган ярмаркаларда иштирок этишлари таъминланди. Бунинг самараси ўлароқ, 10 дан зиёд экспорт шартномалари тузилди.

Жамғармамиз вакиллари, шунингдек, Бахт шаҳридаги “Гул-Рен-Текс” масъулияти чекланган жамияти, Гулистон шаҳридаги “Бек” кўп тармоқли корпорацияси, Боёвут туманидаги “Sirdaryo Licorice Extract” қўшма корхонаси фаолиятини ўрганиб, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни кўришди. Чунончи, тижорат таклифлари интернет сайтларига жойлаштирилиши туфайли ушбу хўжалик юритувчи субъектлар янги ҳамкорлар топишга муваффақ бўлди. Масалан, шу йилнинг октябрь ойида сингапурлик ишбилармон ва сармоядорлар юртимизга ташрифи доирасида вилоятимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишдилар. Шу аснода “Бек” кўп тармоқли корпорацияси раҳбари Улуғбек Сотиболдиев, хусусий тадбиркор Зумратхон Иманкулова ва бошқа кўплаб тадбиркорларимиз маҳсулотлари экспорти бўйича келишувларга эришилгани диққатга сазовордир.

Бу каби икки томонлама самарали хизматларимиз туфайли ҳамкорларимиз сафи тобора кўпайиб бораяпти. Филиалимизга биргина жорий йилнинг октябрь ойида 16 та ташкилот ва корхонадан мурожаат келиб тушгани бунинг яққол далилидир. Уларнинг 9 тасига тезкор кўмак берилгач, бир ой ичида 4 миллион 119,4 минг АҚШ долларилик маҳсулотлар экспортга чиқарилди. Умуман олганда, жамғарма ёрдами билан шу йилнинг ўн ойида бажарилган экспорт амалиётлари ҳажми 26 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мухтасар айтганда, филиалимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспортга йўналтиришни ташкил қилиш бўйича барча шарт-шароит яратилган. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорларга чиқиши, янги савдо йўлакларини очиши, пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Илҳомжон СУВОНҚУЛОВ,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сирдарё филиали директори.

Реклама ўрнида

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Германиянинг “Volkswagen” автомобилсозлик концерни яқин тўрт йил ичида фаолиятини ривожлантириш учун 86 миллиард евро миқдорида маблағ йўналтирмоқчи, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.

Ривожланиш учун маблағ

Ушбу сармоя янги русумлар яратиш, автомобилларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, шунингдек, қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга сарфланади. Режага кўра, капиталнинг 56 фоизи Германиядаги муассасаларга ажратилади.

Ҳайдовчи бошқарувни йўқотди

Непалнинг тоғли Жаяркот туманида оғир оқибатли йўл транспорти ҳодисаси рўй берди.

Манбада айтилишича, йўловчиларни олиб кетаётган автобус ҳудуддаги Бери дарёсига қулаган. Натижада 47 киши ҳаётдан кўз юмди. Ўн киши мустақил равишда қуруқликка чиқиб олишни уддалаган. Фалокатга автобус ҳайдовчисининг бошқарувни йўқотгани сабаб бўлган.

Непал йўлларининг аксарият қисми тоғли ҳудудлардан ўтади. Шу боис транспорт воситалари ҳаракати учун хавфли саналган жойлар жуда кўп. Қолаверса, бу ердаги ёғингарчиликлар ҳам мавжуд аҳволни баттар мураккаблаштиради.

Ижобий баҳоланмоқда

Жорий йилда Бразилияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,5 фоиз ўсади.

Бу ҳақда мамлакат режалаштириш вазирлиги маълум қилди. Аввалроқ ушбу вазирлик ўсиш кўрсаткичи 0,9 фоиз бўлишини билдирганди. Тахминлар бир оз пасайганига қарамай, кутилаётган натижа барибир ижобий баҳоланмоқда. Чунки Бразилия Марказий банки томонидан 100 нафар таниқли иқтисодчи ўртасида ўтказилган сўровномада мутахассислар ЯИМ ҳажми атиги 0,2 фоиз ўсади, дейишганди.

Сурункали ёмғир оқибати

Колумбияда қарийб икки ойдан бери тез-тез кузатилаётган ёғингарчиликлар жиддий талафотларни келтириб чиқарди.

Хусусан, юз берган сув тошқинлари ва кўчкилар оқибатида 44 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Кўплаб аҳоли яшаш пунктларига жиддий зарар етди. Айни пайтга келиб ёмғир ёғиши бир оз сусайган. Шундай бўлса-да, қутқарув хизматлари фавқулодда ҳолатларга шай турибди.

Мамлакатнинг Магдалена департаменти, Фундасьон ва Эль Кастильо муниципалитетларида жабрланганларга ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда табиий офат талафотларини бартараф этишга ҳам киришилган.

Метеорология хизмати келаси йилнинг дастлабки уч ойи Колумбияда қуруқ келишини маълум қилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Эълонлар

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

сизларни 2014 йил 25, 30 декабрь ва 2015 йил 6, 8 январь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдоларга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши	сўм	АҚШ доллари
1.	«Asia pipeplast» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй	Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш	45 635 559 919,47	20 013 138,70
2.	«Registon plaza» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 53-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	42 967 000 000,0	18 842 861,40
3.	«Xorazm palace» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 2-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	24 008 000 000,0	10 528 531,58
4.	«Toshkent qog`ozi» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29 198 000 000,0	12 804 567,86
5.	«Koson textile» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 663 864 000,0	729 675,30
6.	«Kurgan tex» МЧЖ	Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғи	Калава ип ва мато ишлаб чиқариш	40 439 253 000,0	17 734 336,57
7.	«Nukus textile» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Нукус — Тўрткўл магистрали	Калава ип, мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ҳамда тиббиёт бинти ишлаб чиқариш	12 581 279 000,0	5 559 729,64
8.	«To‘ytepa tekstil» МЧЖ	Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-«А» уй	Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш	57 710 000 000,0	25 308 295,47
9.	«Marg‘ilon bo‘yoq tekstil» МЧЖ	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 400-уй	Матони оқартириш ва бўяш	7 752 752 000,0	3 399 912,29
10.	«Eastbrick» МЧЖ	Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, «Қизилтепа» ҚФЙ	Ғишт ишлаб чиқариш	2 845 645 000,0	1 322 012,44

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти, хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода қатнашадиган ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотувга қўйилаётган «Asia pipeplast» МЧЖ, «Registon plaza» МЧЖ, «Xorazm palace» МЧЖ, «Toshkent qog‘ozi» МЧЖ, «Koson textile» МЧЖ, «Kurgan tex» МЧЖ, «Nukus textile» МЧЖдаги улушлар бошланғич нархларининг 1 фоизи миқдорида ва «Marg‘ilon bo‘yoq tekstil» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖдаги улушлар бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «To‘ytepa tekstil» МЧЖдаги улуш бошланғич нархининг 2 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдолар бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:
Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (0-371) 234-43-31.
Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

18578/40

Гувоҳнома № 005357.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб туманида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш ости майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси.

Бошланғич баҳоси — 176 804 000 сўм.

2. Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 23 майдаги 18-0404/3694-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ёшлик» жамоа корхонасига қарашли, Китоб шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 14-уйда жойлашган, 1991 йилда қурилган, қурилиш майдони 2112,96 кв.м., фойдаланиш майдони 2177,42 кв.м.дан иборат бўлган маъмурий бино ва ишлаб чиқариш цехи биноси (А ва Д литерларда).

Бошланғич баҳоси — 1 045 553 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 10 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms uz

18558/1453

Хизматлар лицензияланган.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Competizione dell’ Opera” итальян операси ёш ижрочиларининг XIV халқаро танлови бошланди.

Мафтункор опера

Мазкур нуфузли танловнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки юртимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, жаҳон мусиқа санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд бўлишларини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги янги уфқларни очиб берди. Негаки, унга кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилиб, ўғил-қизлар нафақат миллий мумтоз, балки жаҳон санъати анъаналарини пухта ўзлаштириб боришаётир. Шунингдек, ёшларимиз хорижда уюштирилаётган турли ижодий учрашув, фестиваль ҳамда танловларда қатнашиб, ўзларининг ёрқин истеъдодларини намойиш этишаяпти. Мазкур санъат байрамида ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган ёш санъаткорларнинг чиқишлари хорижлик тенгдошлари ва опера санъатининг машҳур намояндалари эътирофига сазовор бўлди.

— Халқингиз кўп асрлик бой тарихи, санъати ва маданиятига эга, — дейди “Competizione dell’ Opera” халқаро танлови бадиий раҳбари ва директори, германиялик профессор ва режиссёр Ганс-Йоахим Фрай. — Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида ёшларингиз ана шу улкан маънавий бойлик билан бир қаторда, дунё санъати намуналарини ҳам чуқур ўзлаштириб боришаётгани қувонарлидир. Мен ушбу танлов доирасида ўзбекистонлик ўғил-қизларнинг ноёб иқтидоридан беҳад мамнун бўлдим. Бу эса юртингизда санъат ва маданиятга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Танловнинг дастлабки босқичларидан муваффақиятли ўтган ёшлар Ўрта осиёлик тенгдошлари ижроларидан баҳраманд бўлди. Шунингдек, меҳмонлар пойтахтимиздаги Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Итальян опера санъати мутахассисларининг маҳорат сабоқларини тинглашди.

— Ўзбекистонлик тенгдошларимнинг чиқишлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди қозоғистонлик иштирокчи Анастасия Кожухарова. — Улар билан дўстлашиб, ижодий тажрибалар алмашяпмиз. Бу эса бизнинг келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Дилмурод СОДИҚОВ.

ЕТУКЛИК МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу адабиётлар билан бирга “Конституция алифбоси”, “Конституция оламига саёҳат”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” каби изоҳли луғатлар, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” номли плакатлар тўплами мактабларга етказилди. Шунингдек, уларнинг ахборот-ресурс марказлари Асосий Қонунимизни мукаммал ўрганиш имконини берувчи электрон дарсликлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан барча ўқув муассасаларида Конституцияни ўрганиш самарадорлигини тизимли ошириб бориш мақсадида ҳар йили 10 ноябрдан 10 декабрга қадар “Ҳуқуқий билимлар” ойлиги ўтказилади. Мазкур ўқув йилида ҳам ушбу ойлик доирасида умумтаълим мактабларида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокида “Мустақиллик — энг аввало, ҳуқуқдир”, “Конституциямиз — бахтимиз қомуси”, “Конституция — ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати” мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. “Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати” шиори остида уюштирилаётган ушбу ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирларда минглаб ўғил-қизлар қамраб олинаётир. Худудий малака ошириш институтлари ҳамда давлат педагогика институтларининг тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат тарғибот гуруҳлари бу каби тадбирларни нафақат ойликда, балки ўқув йили давомида ўтказишга ҳаракат қилишаётир. Энг муҳими, бундай ташаббус ва интилишлар самарасида навқирон авлод суверен демократик республика — Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга оид тушунча ва тасаввурларини бойитмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Шу маънода, таълимнинг бошланғич бўғиниданоқ болаларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги шакллантирилаётгани, ёшларимизнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини билиши, айни пайтда уларни ҳимоя қила олиши учун ҳар томонлама кўмаклашилаётгани жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Жамолиддин КАМОЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи.

Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз

Елқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

САНЪАТ

“Туркистон” саройида “Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз” шиори остида “Ниҳол” мукофоти совриндорларининг ҳисобот концерти санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофот иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий салоҳиятини янада юксалтириш, истеъдодини тўла намоён қилишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу мукофот эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан юртдошларимизга манзур бўладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида берилаётир. “Ниҳол” мукофоти билан тақдирланган кўплаб ёш хонандалар, ижрочилар, раққосалар юртимиздаги турли мусиқий анжуманлар, байрам тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. Энг қувонарлиси, улар халқаро миқёсдаги кўрик-танлов ва санъат фестивалларида ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 31 октябридан 22 ноябрига қадар “Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз” шиори остида мазкур мукофот соҳибларининг ҳисобот концертлари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқори савияда ўтказилган ушбу концерт дастурлари “Ниҳол” мукофоти совриндорлари имкониятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, уларнинг ижодидан кенг жамоатчиликни баҳраманд этишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида амалий ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш, касаба уюшмаларига ходимлар, хусусан, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини амалга оширишлари учун кенг ҳуқуқ берилгани эътиборга молик.

Меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси ва жамоатчилик назорати

Албатта, бу йўналишдаги ишларни бажаришда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг алоҳида ўрни бор. Чунончи, мамлакат Ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувга асосан, жамоа келишувлари ва шартномаларига аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ҳамда оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатларга оид алоҳида бўлим киритилган бўлиб, улар ижроси изчил таъминланаяпти.

Айни чоғда жамоа келишувлари ва шартномаларида аёлларни меҳнат бозори талаблари асосида касбларга ўқитиш, кичик ёшдаги фарзандлари бор аёлларга қисқартирилган иш вақти белгилаш, аёлларга ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган бола парвариши таътилидаги аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш, 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга ҳақ тўланадиган танаффуслар бериш имтиёзлари акс этган. Шунингдек, ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилиш учун маълум миқдорда иш ўринлари ажратиш, аёлларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш каби меъёрлар ҳам белгиланган. Натижада жамоа келишувлари ва шартномалари хотин-қизлар учун барқарор ойлик маоши тўлаш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитлари ташкил этишнинг кафолати бўлмоқда.

Касаба уюшмалари янги иш ўринлари яратиш давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишига ҳам кўмаклашмоқда. Хусусан, ҳар йили ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан хотин-қизлар ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратилаяпти.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси соҳасида ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам самара бермоқда. Уч томонлама маслаҳатлашувлар доирасида ҳар йили меҳнат соҳасидаги долзарб масалаларни кўриб чиқиш учун иш берувчилар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида жамоатчилик эшитувлари ташкил этиб келинаётир. Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторинги юритилмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларни бажаришда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг алоҳида ўрни бор. Чунончи, мамлакат Ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувга асосан, жамоа келишувлари ва шартномаларига аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ҳамда оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатларга оид алоҳида бўлим киритилган бўлиб, улар ижроси изчил таъминланаяпти.

Айни чоғда жамоа келишувлари ва шартномаларида аёлларни меҳнат бозори талаблари асосида касбларга ўқитиш, кичик ёшдаги фарзандлари бор аёлларга қисқартирилган иш вақти белгилаш, аёлларга ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган бола парвариши таътилидаги аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш, 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга ҳақ тўланадиган танаффуслар бериш имтиёзлари акс этган. Шунингдек, ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилиш учун маълум миқдорда иш ўринлари ажратиш, аёлларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш каби меъёрлар ҳам белгиланган. Натижада жамоа келишувлари ва шартномалари хотин-қизлар учун барқарор ойлик маоши тўлаш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитлари ташкил этишнинг кафолати бўлмоқда.

Касаба уюшмалари янги иш ўринлари яратиш давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишига ҳам кўмаклашмоқда. Хусусан, ҳар йили ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан хотин-қизлар ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратилаяпти.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси соҳасида ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам самара бермоқда. Уч томонлама маслаҳатлашувлар доирасида ҳар йили меҳнат соҳасидаги долзарб масалаларни кўриб чиқиш учун иш берувчилар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида жамоатчилик эшитувлари ташкил этиб келинаётир. Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторинги юритилмоқда.

— Ўзбекистонда фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини ҳамда касаба уюшмалари томонидан бу борада тизимли ишлар олиб борилаётганлигини амалий мисолларда кўрдик, — дейди Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун бюроси вакили Харри Таллига. — Мисол учун, хотин-қизларнинг дам олишга, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари шу соҳада мақсадли йўналтирилган давлат миллий сиёсатини юритиш орқали таъминланмоқда. Шунингдек, юртингизда ходимларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган фундаментал ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилаяпти. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга самарали татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Семинар доирасида мавзуга оид қимматли маълумотларни олиш билан бирга, ўзаро тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўлдик, — дейди Озарбайжон Касаба уюшмалари конфедерацияси халқаро бўлими мутахассиси Роя Гараева. — Мамлакатингизда аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Айниқса, касаба уюшмаларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик асосида йўлга қўйган фаолияти ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш йўналишидаги ишлар кўламини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Ўйлаймизки, бу борадаги ўзаро ҳамкорлигимиз яна давом этади.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1058/564

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2014 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 20 декабрдаги 14-1313/14935-сонли ижро варақаси, Самарқанд вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 27 февралдаги 14-1415/2453-сонли суд буйруғи ҳамда Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 10-1410/12960-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Навоий шоҳкўчасида жойлашган, умумий ер майдони 11588 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий ва ёрдамчи бинолар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 630 130 000 сўм.

2014 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тайлоқ тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 11 августдаги 14-1404/2742-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тайлоқ тумани, «Сочакиболо» ҚФЙ, Украч қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 7280 кв.м. бўлган тикувчилик цехи ва новвойхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 251 062 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.
Телефон: (0-366) 234-06-38.

Хизматлар лицензияланган.

18568/90

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН

Товар сертифицирован

СИСТЕМЫ ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ GEOVISION

- Детальная фиксация объектов и событий
- Регистрация и распознавание автомобильных номеров
- Качественная запись в условиях плохой видимости
- Мощная аналитика: слежение за объектом и приближение, детекция и поиск видео по изображению лица, подсчет посетителей и т. д.

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

1752R/1578

ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»

МАТЕРИАЛ РУЛОННЫЙ КРОВЕЛЬНЫЙ И ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫЙ

NURIZOL NURFLEX

Фольгоизол предназначен для:
- покрытия кровли
- создания новой и ремонта старой кровли зданий
- гидроизоляции стен и фундамента
- гидроизоляции бассейнов, тоннелей, мостов и других сооружений

Эксплуатационные качества, подходящие для любых климатических условий:
- влагоустойчивость
- долговечность
- высокие изолирующие свойства

Услуги по укладке мягкой кровли

Тел.: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96; f.kafolat_ok@mail.ru; nurizol.uz

1770R/198

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати жамоаси масъул ходим Ҳасан Фарҳодович Магруповга онаси **ЗУҲРАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти жамоаси таржимон **Жавҳар Ташходжаевич ХОДЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

WWW.XS.UZ

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида Самарқанд вилоятидаги 12 та даволаш-профилактика муассасасида 26,9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. 2 та ҚВП янгидан бунёд этилиб, 22 таси таъмирланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 952 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5